

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН
АХБОРОТ ҲАМДА 2019 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ИШ РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йилдаги фаолияти юзасидан Марказий сайлов комиссияси котиби С.Курбанкуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С.Курбанкулов) тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасида белгиланган барча тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Г.Рахимова зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 декабрь,
№ 899.